

АХБОРОТ УРУШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ШАХСГА НИСБАТАН ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ

Ядгаров Эркин Элмўминович

Аннотация: Ушбу мақолада ахборот урушларининг келиб чиқиши тарихи, уларнинг моҳияти, глобаллашуви, ахборотнинг шахсга нисбатан психологик таъсири каби масалалар муҳокама этилади.

Калит сўзлар: ахборот уруши, глобаллашув, стратегия, психологик таъсир.

Abstract: this article discusses the historical origins, nature, globalization, and psychological impact of information warfare on individuals.

Keywords: Information war, globalization, strategy, weapons, psychological impact.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с историей возникновения информационных войн, их сущностью, глобализацией и психологическим воздействием информации на личность."

Ключевые слова: Информационная война, глобализация, стратегия, оружие, военнослужащие, психологическое воздействие

Кириш

XXI аср глобаллашув жараёнида ахборот стратегик ресурсга айланиб бормокда. Ахборот тараққиёт ва ривожланишининг асосий омили бўлиш билан бир қаторда, ҳарбий қурол сингари вайронкорлик касб эта бошлади. Бундан 40-50 йиллар олдин кучли тарғибот қуроли ҳисобланган оммавий ахборот воситаси эса айни пайтга келиб, давлатлар ва халқларни тараққиёт йўлидан адаштиришда энг самарали қўпоровчи қурол сифатида қўлланилмокда. Дастлаб, ахборот уруши омма эътиборига тушмаган бўлса-да, бугун инсоният тақдирида туб ўзгариш содир этишга қодир бўлган ушбу атама остидаги ҳаракатлар такомиллашиб, ҳарбий мақсадларни амалга оширишда технология қаторидан ўрин олиши ва халқлар онгини жанг майдонига айлантирилиши натижасида, ахборотдан кучли вайронкор қурол сифатида фойдаланиш ҳолатлари кун сайин ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Ахборот уруши ўз мақсади, мазмун-моҳиятига кўра, махфий ёки ошкора, аҳамияти кам ёки радикал таъсирли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-психологик, тижорий, ҳарбий ҳодиса бўлиши мумкин. “Ахборот уруши” ва “ахборий кураш” тушунчалари фаркланади. Ахборий-психологик кураш тушунчаси нейтрал маъно англатиб, салбий мазмунда ахборий уруш, психологик уруш, кибер уруш шаклларида ҳам қўлланади. Бугунги кунда ахборот-психологик уруш жанговар операцияларни таъминлашдан ташқари ўзи алоҳида мустақил уруш турига айланди ва геосиёсий даражадаги стратегик вазифаларни ҳал қилишга қодир ҳодиса ҳисобланади. Шу билан бирга, агрессив ахборот ва психологик курашнинг ўзи уруш ҳамда қуролли тўқнашувларни келтириб чиқаради.

Ахборот ва психологик курулларнинг хавфи улардан фойдаланишдаги шахсиз хусусиятидир, бу ҳужум ҳаракатларини, ҳатто уруш эълон қилмасдан ҳам номаълум ҳолда амалга оширишга имкон беради. Бундан ташқари, ахборий курулларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни тақиқлаш деярли мумкин эмас (масалан, кимёвий ёки бактериологик курулларга нисбатан турли тақиқлар ўрнатилган.)

Ахборий уруш шахс, жамият, тузилма ва давлатлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви, қарама-қаршилик юз берган ҳолатларда устунликка эришиш, бирор сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсад йўлида маълумот олиш, қайта ишлаш ва етказиш, сиёсий ва ҳарбий мақсадларга эришиш, ахлоқий ҳамда психологик таъсир кўрсатиш мақсадидаги курашдир. Ахборот уруши компьютерлар, дастурий таъминотга ҳужум қиладиган ва ахборий тизимларни издан чиқарадиган кибер урушлардан фарқ қилади. Ахборот уруши муайян мақсад йўлида маълумотларни манипуляция қилиш, қайсидир шахс, гуруҳ, тузилма ёки давлатнинг манфаатларига қарши, лекин бошқа томон учун манфаатли бўлган, ахборий босимга асосланган ҳаракат ҳисобланади. Ахборот уруши қачон бошланиши, тугаши ва унинг қанчалик кучли ёки ҳалокатли эканлиги аниқ эмас. Ахборот уруши тактик маълумотларни тўплаш, ўз манфаатларига йўналтирилган ахборотларни тарқатиш, ташвиқот, дезинформация кампанияси, деморализация (маънавий, ахлоқий таназзул) ёки манипуляция қилишни ўз ичига олиши мумкин. Ахборот уруши психологик уруш билан чамбарчас боғланган.

Асосий қисм

Ҳозирги даврда инсон нафақат ахборот-психологик таъсир объекти, балки субъектига ҳам айланиб бормокда. Бу эса жамият ҳаётининг барча соҳаларини ахборот билан узвий боғланишини келтириб чиқармокда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, демак ахборот-психологик таъсир нафақат бир инсон, балки жамият, бутун бир давлат тақдири, керак бўлса келажаги глобал характер касб этадиган ахборотнинг объективлигига боғлиқ бўлиб қолмокда.

Айтиш жоизки, “Ахборот уруши” ибораси XX аср ва ҳозирги давримизга тааллуқли бўлишига қарамай, инсоният қадим-қадим замонлардан буён ахборотдан курул сифатида унумли фойдаланиб келган. Ахборотдан қайси томон оқилона фойдаланган бўлса унинг қўли баланд келган. Бунга тарихдан кўп мисоллар келтириш мумкин.

Моҳиятан урушлар тарихини кузатсангиз, унда икки омил етакчилик қилади: моддий ва маънавий. Моддий омилларга курул-яроқ, ҳарбий техника ва бошқа кўз билан кўриш мумкин бўлган уруш предметлари кирса, маънавий омилларда инсон онги ва тафаккури етакчилик қилади.

Мисол учун, Нажмиддин Кубронинг жанг сахнаси ҳаммамизга маълум,

у душман билан жанг қилиш давомида енгилса-да, танасида сўнгги томчи қони қолгунича қўлидаги байроғини қўйиб юбормайди.

Қадимги даврларда саркардалар душман билан урушда қуролли қўшин кучидан ташқари, душман қўшини руҳиятига салбий таъсир ўтказиш, ўз кучига ишонмаслик ҳиссини келтириб чиқариш усулларини ҳам ишлаб чиққанлар.

Масалан, Троя қалъаси воқеаси. Одиссей Троя оти билан боғлиқ усулни ўйлаб топиши натижасида, греклар айни шу от ёрдамида Трояни қўлга киритган.

Душманга психологик таъсир кўрсатиш Наполеон ва Суворов каби саркардаларнинг ҳарбий амалиётида ҳам қўлланилган. Жумладан, Наполеон қўшинида душман зобитлари ва аскарларини ўз томонига оғдириш, руҳиятига салбий таъсир кўрсатиш, қўрқитиш ва турли ёлғон ахборотларни тарқатиш учун бир кеча-кундузда 10 000 дона варақа чиқариш қувватига эга бўлган қўчма босмахона мавжуд бўлган.

Оммавий ахборот воситалари газета, радио ва телевидение пайдо бўлиши билан, ахборот макони шиддат билан ривожланди. Бу эса ахборотга бўлган эҳтиёжни янада оширди.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида кўпгина давлатларда ҳарбий усуллар билан биргаликда ташкилий, мафкуравий урушлар стратегияси билан шуғулланувчи тузилмалар вужудга кела бошлади. Масалан, АҚШда “Ижтимоий ахборот қўмитаси”, Буюк Британияда “Душман қўшини ва аҳолиси орасида ташвиқот ишларини олиб бориш бошқармаси”, Францияда “Ахборот ташвиқот хизмати”, Германияда “Генерал штабнинг махсус ташвиқот бўлини маси”, Россия Федерациясида “Ахборот технологиялари қўшини”².

Биринчи жаҳон урушида қуролли тўқнашувлар билан биргаликда ахборот воситаларидан кенг фойдаланганлиги ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд.

Ахборот воситалари ёрдамида душмanning руҳиятига таъсир этиш, уни ўз томонига оғдириш, уруш кайфиятини сўндиришга бўлган даъватлар қўлланилган. Булар асосан, самолёт орқали варақалар тарқатиш, қўрқитиш, кучларни тенг эмаслиги ва таслим бўлишга чақириқлар шаклида бўлган.

“Ахборот уруши” атамаси илк бор 1967 йили тилга олинган бўлиб, бу иборанинг муаллифи Собик совет иттифоқига қарши бошланган ахборот урушининг асосчиларидан бири Аллен Даллесдир³. Кейинчалик, “ахборот уруши” атамаси америкалик физик-олим Томас Рона (Р. Рейган ва Ж. Бушлар даврида “Оқ уй” ва Мудофаа бошқармасининг илмий маслаҳатчиси) томонидан 1976 йилда “Боинг” компанияси учун тайёрланган “Қуроллар тизими ва ахборот уруши” ҳисоботида қўлланилган⁴. У ҳисоботида ахборот инфратузилмаси Америка иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмига айланганлиги, бир вақтнинг ўзида ахборотдан халқни бошқариш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ҳеч қандай тўсиқ ва чегараларсиз ўзга давлатларнинг иқтисоди, ички ҳамда ташқи тузумига аралашуш, шунингдек ҳарбий ҳолатда энг арзон ва қулай, дахшатли онгни бошқарувчи пулът сифатида фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаган.

У ахборот ҳужумларига қаршилиқ кўрсатиш ҳарбий кучларнинг энг заиф бўғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат миқёсидаги масъул кишиларнинг

эътиборини қаратган ва шундан бери мазкур сўзларнинг аҳамияти кундан-кунга кучайиб келмоқда.

АҚШ ҳарбий-хаво кучлари 1980 йилдан бошлаб ҳарбий соҳада ахборот воситаларидан фойдаланиш масаласини фаол муҳокама қила бошлади. Бу пайтга келиб, ахборот ҳам, мақсад ҳам қурол бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввурлар шаклланиб улгурган эди. Совуқ уруш тугаганидан сўнг, янги вазифалар пайдо бўлиши билан АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳужжатларида “ахборот уруши” атамаси кенг қўлланиладиган бўлди. 1991 йилда “Саҳродаги бўрон” операциясидан сўнг эса бу тушунча ОАВда тез-тез ишлатила бошланди.

Мазкур масала бўйича дастлабки расмий ҳужжат сифатида АҚШ Мудофаа вазирининг 1992 йил 21 декабрдаги “Ахборот уруши” номли директивасини келтириш мумкин.

“Ахборот уруши” атамасининг сиёсий-ҳарбий ҳамда илмий доираларда тез ўрин олишини қуйидаги омиллар билан боғлаш мумкин:

- ҳарбий қуролли тўқнашувга қараганда кам харажат талаб этиши ва самарали натижани бериши;
- душманга сездирмаган ҳолда ўз мақсадларини амалга ошириш имкони мавжудлиги;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши қурол ишлаб чиқаришга нисбатан тез ва арзонроқ кечиши;
- ҳарбий, молиявий-иқтисодий куч ҳар доим ҳам самарали эмаслиги ва муқобил куч зарурлигини тақозо этиши.

Ахборот қуролининг ишлаб чиқарилиши нисбатан арзонлиги, ахборот қуроли учун давлат чегаралари нисбий характерга эга эканлиги, ахборот ҳужумини олдини олишнинг деярли иложи йўқлиги, ахборот уруши оқибатидаги зарарни ҳисоблаш мураккаблиги, доимий равишда ҳарбий блоklar тузиш қийинлиги ҳам ахборот воситалари ёрдамида уруш олиб боришнинг масштаблари кенгайишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда “ахборот уруши” ибораси моддий соҳада муайян наф кўриш мақсадида тизимларнинг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда бир-бирига очиқ ёки яширин тарзда таъсир кўрсатиши сифатида талқин қилинади. “Ахборот уруши” олиб боришнинг асосий воситаси ОАВ ва айниқса, электрон оммавий ахборот воситалари - радио, телевидение ҳамда Интернет фаолияти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ахборот урушлари урушнинг ўлимга олиб келмайдиган, бироқ оқибати оғир тури деб ҳам ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, урушнинг ҳар қандай бошқа тури каби ахборот урушлари ҳам ўз тузилмаси ва зарур технологияларига эга.

Ахборот урушларини олиб бориш технологияларини махсус тадбирлар комплекси ташкил этиб, улардан кўзланган асосий мақсад – душманга психологик таъсир қилиш, чалғитиш, мамлакатнинг ахборот хавфсизлигига таъсир ўтказиш, шу

билан бир қаторда керакли маълумотларни олиш, яшириш, ниқоблаш ёки йўқ қилиб ташлашдан иборатдир.

Яқин тарихга назар соладиган бўлсак, унда дунёнинг турли минтақаларида ахборот уруши технологиялари қўллаб қўлланилаётганини кузатиш мумкин.

Унинг ташаббускорлари Геббелснинг “Ёлғон канчалик даҳшатли бўлса, унга шунчалик тез ишонилади” б усулидан кенг фойдаланмоқда. Мисол учун, Ғарб ОАВ ва “Ал-Жазира” телеканали Муаммар Қаддафий самолётлари “тинч” намоийишчиларни “бомбардимон қилгани” оқибатида Ливия кўчаларида юзлаб жасадлар ётгани, бегуноҳ халқ аёвсиз қирилаётгани ҳақидаги ахборот тарқатганидан сўнг, БМТ махсус резолюция қабул қилишга “мажбур” бўлган⁷. Ваҳоланки, ўша даврда ливияликлар ҳеч қандай бомбардимон бўлмагани, аҳоли тинч яшаётгани хусусида гувоҳлик берган. Ҳақиқий бомбардимонлар эса, айнан БМТ қабул қилган резолюциядан сўнг, Ғарб коалицияси томонидан амалга оширилди.

Бу электрон ОАВда ёлғон ва сохта ахборотнинг тарқатилиши ва у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигига мисоллардан биридир.

Шу билан боғлиқ ҳолда буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний “хабар”га шундай таъриф беради: “Хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олгувчи маълумотдур.

Чунки, одамларнинг мақсадлари хилма-хил, халқлар ўртасида тортишиш ва талашиниш кўп. Шундай кишилар ҳам бўладики, улар табиатан ёлғон хабар тарқатишга мойил бўлади”, 8-деган фикрларини келтириш ўринли деб ўйлаймиз.

Бундан ўн аср муқаддам айтилган ушбу ҳаққоний сўз нуқтаи назаридан келиб чиқилса, ахборот жанги авж олган бугунги кунда сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаш, атрофда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳақиқий маълумотларга эга бўлиш, ҳар қандай ноҳолис ахборот ҳуружлари замирида рангли инқилоблар, намоийишлар ётганини аҳолига ва аввало ёшларимизга тушунтиришда ОАВнинг ўрни ҳамда таъсир кучи бекиёслиги аён бўлади.

Ғарбда ишлаб чиқилган давлат тўнтариши технологиясига биноан, тузумларни ўзгартиришда ахборот таъсири, муҳолифат қўлига қурол тутқазиш, гуманитар ниқобдаги интервенция ва рангли инқилоб каби усуллар фаол қўлланилмоқда. Дунёнинг қатор минтақаларидаги вазиятни кузатсак, мазкур тўрт усул барабар тажрибадан ўтказилганини кўрамыз⁹.

Мамлакат ҳаётининг кескин бурилишлари даврида ижтимоий тармоқлар зарарли ғояларнинг катализатори ролини ўйнаши мумкинлигини намоён қилади. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ахборот таъсири кутилган натижани бериши учун ёлғон хабар (дезинформация) босимини зарур пайтда кучайтириб, ахборот жанг майдонини ёлғон маълумотга тўлдириб юбориш, зарур пайтларда эса ахборот бўшлиғини (вакуум), яъни ахборот олиш жуда муҳим бўлган вақтда ахборот бермай, “ахборотга ташналикни” ташкил қилиш каби усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ахборот урушлари турли хил алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Воситалар тури жуда бой бўлиб, уларга номлари машҳур ОАВдан тортиб, миш-мишлар, ғийбатлар ва ҳатто латифаларгача киритиш мумкин. Замонавий ахборот технологияларининг ривож, сунъий йўлдошли телевидениелар, Интернет тармоқларидан кенг фойдаланилаётгани кечаги ахборот урушларининг бугунгисидан батамом фарқ қилишига олиб келди.

Ахборот урушлари ўчоғига одамларни тортишда психологик жиҳатдан аввало уларнинг шахс эканлиги ҳисобга олинади ва онг ҳамда онгостига тўғри фикрлаш ва қарор қабул қилишдан чалғитиш принципларидан фойдаланилади.

Уруш даврида манфаатдор томонлар тарафидан ахборотга бўлган ташналик сунъий равишда оширилиб, рақиб психикаси ўрганилади ва нотўғри маълумотлар тарқатилади.

Ахборот урушларининг асосий қуроли инсон психикасига таъсир қилувчи объектлар ва оммавий ахборот воситалари - телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва Интернет ҳисобланади.

Ахборот урушида оммавий ахборот воситалари қайси кўринишда ва қай маконда ташкил қилинган бўлмасин ҳолисликдан чекинади ва ўз “хўжайинининг” манфаатларини ҳимоя қилади.

2024 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, дунёда Интернет фойдаланувчилари сони 5 миллиарддан ошди. Бу рақам ҳар йили ўсиб бораётганини кўрсатади, шунингдек Интернетга кириш имкониятлари янада кенгаймоқда.

Бу рақамларнинг ортиб боришида нафақат бир, балки бутун дунё халқларининг ҳиссаси бор.

Ахборот уруши даврида шахсларнинг онгига салбий таъсир кўрсатишнинг қуйидаги асосий усуллари мавжуд:

1. Сохта янгиликлар ва дезинформация. Сохта хабар ва дезинформация - бу объектни йўлдан оздириш ёки унинг фикрига таъсир қилиш учун ёлғон маълумот ёки қасддан ёлғон маълумот тарқатиш. Сохта - бу жамоатчилик фикрини алдаш

ва манипулятсия қилиш мақсадида яратилган ёлғон ёки ишончсиз янгиликлар. Улар турли хил алоқа каналлари, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, янгиликлар сайтлари ва мессенжерлар орқали тарқатилиши мумкин. Сохта нарсалар кўпинча шов-шувли бўлиб, одамларда ҳиссий реакцияларни келтириб чиқариши мумкин, бу уларни таъсирга кўпроқ мойил қилади.

2. Дезинформация - бу воқеалар ёки фактлар ҳақидаги тасаввурни чалғитиш ёки ўзгартириш учун ёлғон ёки бузилган маълумотларни тарқатиш. Дезинформатсия сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадларга эришиш учун ишлатилиши мумкин. У сохта статистика, сохта ҳужжатлар ёки бузилган фактлар кўринишида тақдим этилиши мумкин. Сохта ва дезинформация жамоатчилик фикри ва қарор қабул қилишга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Улар ваҳима, турли низоларни келтириб чиқариши ва сайлов натижаларига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун олинган маълумотларга

танқидий ёндашиш, унинг ишончилигини текшириш ва ишончли манбалардан фойдаланиш муҳимдир.

3. Таъсир агентлари - бу маълум сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий мақсадларга эришиш учун жамоатчилик фикри ва хулқ-атвориға фаол таъсир кўрсатадиган одамлар ёки гуруҳлар. Улар дезинформацияни тарқатиш, сохта янгиликлар яратиш, ижтимоий тармоқларни манипуляция қилиш ва бошқалар каби турли усуллардан фойдаланишлари мумкин. Таъсир агентлари ҳукуматлар, сиёсий ташкилотлар, тижорат манфаатлари билан боғлиқ бўлиши ёки шунчаки ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилиши мумкин. Ботлардан ва таъсир агентларидан фойдаланиш жамият учун жиддий оқибатларға олиб келиши мумкин.

Улар жамоатчилик фикрини бузиши, сайловларға таъсир қилиши, кескинлик ва зиддиятларни келтириб чиқариши ва жамиятни беқарорлаштириши мумкин.

Ахборот урушлари таъсирига тушмаслик ва уларға қарши курашиш маҳоратини оширишда қуйидагиларға эътибор қаратиш лозим.

1. Ахборот маконида шахсларға қизиқиши юқори бўлган ахборий маълумотлар ва ўзгаришлар ҳақидаги масалаларни текширилган манбаларға асосан объектив ва позитив жиҳатларини доимий равишда етказиб бориш.

2. Интернет олами аксарияти ёшлардан ташкил топганлигини ҳисобға олиб, ундан тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш, тафаккур қилиш, ҳар қандай ахборотни таҳлил қилгандан сўнг хулоса чиқаришға ўргатиш зарур.

3. Сиёсий жараёнлар хусусидаги текширилмаган ва ишончсиз турли маълумотларға фикр ва муносабат билдирмаслиги ва аралашмаслиги лозим.

4. Миллий ғоя, мафкура, маънавият тушунчалари, шу жумладан шахснинг ватанпарварлиги ахборот хуружларига қарши курашишнинг энг самарали воситасидир. Шу боисдан бу йўналишларда амалға оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш.

Ахборот урушларининг механизмлари

1. Дезинформация тарқатиш: дезинформация душман қўшинларининг руҳиятини заифлаштириш учун ўйлаб топилган ёлғон маълумотларни тарқатишдан иборат.

2. Кўрқув ва стресс уйғотиш: ахборот урушлари орқали тарқатиладиган таҳдидлар, фотосуратлар ва видеолар кўрқувни кучайтиради, бу эса хизматчиларнинг жанговар қобилиятини пасайтиради.

Ахборот урушларининг оқибатлари

1. Руҳий хасталиклар: узоқ муддатли ахборот босими натижасида депрессия, стресс, посттравматик стрессли ҳолатлар (ПТСР) ривожланиши мумкин.

2. Интизомнинг бузилиши: Руҳий изтироб ва норозилик оқибатида шахслар ўртасида интизомсизлик ҳолатлари кўпаяди.

Ахборот урушларига қарши курашиш усуллари

1. Психологик тайёргарликни кучайтириш: шахслар ўртасида руҳий босимға бардошли қилиш учун психологик машғулотлар ўтказиш муҳим.

2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш: ёшларни ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини назорат қилиш ва дезинформацияга қарши чоралар кўриш зарур.

3. Таълим ва маълумот бериш: шахсларни ахборот урушларининг механизмлари ва таъсирлари ҳақида хабардор қилиш, уларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш зарур.

Хулоса

Юқорида таъкидлаганимиздек, замонавий дунёда ахборот уруши усуллари ва воситалари тобора кенг тарқалмоқда ҳамда самарали бўлмоқда. Ахборот манипуляцияси, дезинформация, маълумотларга киришни блокировка қилиш ва киберхужумлар жамоатчилик фикри ва сиёсий жараёнларга таъсир қилиш учун ишлатилмоқда. Бу усуллар сиёсий барқарорлик, жамиятнинг уйғун ривожланиши учун жиддий хавф бўлиши мумкин.

Ахборот манипуляцияси воқелик, сиёсат ёки ҳарбий ташкилотлар ҳақида маълум бир салбий ғояни яратишга имкон бермоқда.

Ахборот манипуляцияси таъсирига тушиб қолган ҳарбий хизматчиларда эса ўз хизмат вазифасига ва давлатда олиб борилаётган сиёсий тизимга нисбатан норозилик кайфиятини уйғонишига сабаб бўлиб, уларнинг психологик ҳолатида жиддий ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

Шахсларни ахборот оламида тўғри маълумотларни саралаб олишлари ва манипуляцияга қарши туришлари учун аввало манипуляция қилиш усуллари ҳақида хабардор бўлишлари зарур.

Мисол учун, бир нечта ишончли манбаларни саралаб олиб, улар томонидан воқеа-ҳодисаларга бериб борилаётган муносабатларни доимий равишда кузатиб бориш ва хулоса қилишга шошилмаслик керак.

Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётган бугунги кунда ахборот уруши муаммоларини енгиш ва ҳарбий хизматчилар учун ахборот хужумларидан психологик ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарур.

Адабиётлар руйхати:

1. Пол Ньюман. Военная пропаганда.
2. Караяни А.Г. Информационно-психологическое противоборство в современной войне-1997.
3. Даллес А. Искусство разведки. Международные отношения-1992.
4. Tomas P. Rona. Weapon Systems and Information War. - Boeing Ayerospace Co., Seattle, WA,1976
5. Гримак Л. Информациология гипноза. Прикладная психология и психоанализ- 2000.

6. Почему Сирия до сих пор проигрывала Западу информационную войну? Аргументы и факты. - 2013. - №41.
7. Резолюция Совета безопасности ООН, №1973 (2011) от 17 марта 2011 года.
8. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар- II жилд-1965.
9. Ёкубов С. “Араб баҳори”ми ёки араб лабиринти? “Жаҳон адабиёти”, 2013 - №7.